

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.К/Т.04.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ**

ҒАНИЕВА САЙЁРА ХУРШИТОВНА

**ЎСИМЛИК ҲОМ-АШЁСИГА АСОСЛАНГАН СУРКОВ
МАТЕРИАЛЛАРИДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШНИНГ
ЭКОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ**

**11.00.05 – Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилон
фойдаланиш**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферета диссертации доктора философии (PhD) по
химическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on chemical
sciences**

Ганиева Сайера Хуршитовна

Ўсимлик ҳом-ашёсига асосланган сурков материалларидан оқилона
фойдаланишнинг экологик жиҳатлари.....3

Ганиева Сайера Хуршитовна

Экологические аспекты рационального использования смазочных материалов
на основе растительного сырья19

Ganieva Sayora Khurshitovna

Ecological aspects of rational use of lubricants based on vegetable raw
materials.....35

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....38

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.К/Т.04.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ**

ГАНИЕВА САЙЁРА ХУРШИТОВНА

**ЎСИМЛИК ХОМ-АШЁСИГА АСОСЛАНГАН СУРКОВ
МАТЕРИАЛЛАРИДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШНИНГ
ЭКОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ**

**11.00.05 – Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона
фойдаланиш**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.3.PhD/K427 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация ЎзР ФА Умумий ва ноорганик кимё институтида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида www.fkti.uz манзили бўйича ва «Ziynet» ахборот-таълим портали (www.ziynet.uz) да жойлаштирилган.

Илмий
раҳбар:

Хамидов Босит Набиевич
техника фанлари доктори, профессор

Расмий
оппонентлар:

Мухамедов Кобилжон Ғофурович
техника фанлари доктори, доцент

Ахмедов Ровшан Каримович
кимё фанлари номзоди

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат техника университети


Диссертация химояси Тошкент кимё-технология институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.K/T.04.02 рақамли Илмий кенгашнинг «9» 12 2021 йил соат «10» даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100011, Тошкент шаҳар, А.Навобий кўчаси, 32. Тел.: (+99871) 244-79-20, факс: (+99871) 244-79-17. e-mail: info@tkti.uz)


Диссертация билан Тошкент кимё-технология институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 119 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100011, Тошкент шаҳар, А.Навобий кўчаси, 32. Тел.: (+99871) 244-79-20).

Диссертация автореферати «27» 11 2021 йилда тарқатилган.
(2021 йил «27» 11 даги № 26 рақамли реестри баённомаси)




Х.Л. Пулатов
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш раиси, х.ф.д., профессор


Ф.Б. Игитов
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш котиби, PhD, доцент


Р.С. Сайфутдинов
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда, техносферанинг ривожланиши сурков мойлари қўлланишини жадаллашуви билан узвий боғлиқ. Шу билан бирга, табиий ва синтетик ҳом ашёдан олинидиган сурков мойлари машина механизмларни эксплуатация даврида ва қайта ишлаш жараёнида экотизимларга сезиларли равишда таъсир кўрсатади. Сурков мойлари, тайёр маҳсулот сифатида ҳам, ишлаб бўлиб, қайта ишлаш ҳолатига келган бўлганда ҳам, маълум миқдорда сезиларли даражада экологик хавф-хатарга эгадир. Шунинг учун ўсимлик асосида экологик тоза мотор мойларини ишлаб чиқиш экология ва атроф - муҳитни ҳимоя қилиш нуқтаи назаридан муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда, сурков мойлари турларини кенгайтириш, уларни олиш, қўллаш ва экологик хавфсизлиги бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада, сурков мойларининг янги биопарчаланувчи композицияларини ишлаб чиқиш, атроф муҳит билан биомослашган, маҳаллий ўсимлик мойлари билан ҳар хил функционал қўндималарни аралаштириш йўллари асосида, мотор мойларини олиниши жараёнида оптимал шароитларни ишлаб чиқиш, замонавий талабларга жавоб бериш, камёб нефт мойларини иқтисод қилиш, ўсимлик ҳом ашёсининг қайта тикланиш ва ёниш маҳсулотларининг экологик тозалигига алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда маҳаллий ҳомашёси асосида яхшиланган хусусиятли мотор мойларини ишлаб чиқариш технологияларини ташкил этиш ва қўллаш бўйича илмий назарий ва амалий натижаларга эришилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида «юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий ҳом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатдан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш»¹ вазифалари белгилаб берилган. Бу борада, жумладан биосферадаги алмашинув жараёнларига ва тирик организмларга салбий таъсир этмайдиган, таркибида нефт ва синтетик моддалар бўлган аналоглардан эксплуатация хусусиятлари бўйича юқори бўлган маккажўҳори ва маҳсар мойлари асосида янги биопарчаланувчи сурков мойларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2017 йил 7-февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони ҳамда 2018 йил 25 октябрдаги ПҚ-3983-сон «Ўзбекистон Республикаси кимё саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ва 2019 йил

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони

3 апрелдаги ПҚ-4265-сон «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва инвестицион жозибадорлигини ошириш» тўғрисидаги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV «Атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш» устувор йўналишига мувофиқ ҳолда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўсимлик ҳом ашёсидан биопарчаланувчи сурков мойлари ва ёқилгини олиш технологияларини ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқотларга Г.О. Сиренко, В.И. Кириченко, А.Ю. Евдокимов, И.Г. Фукс, Т.Н. Шабалина, В.А. Язев, Л.Н. Багдасаров, В.В. Тетельмин, Л.Ф. Голдовская, В.М.Капустин, И.Р. Облащиковаларнинг ишлари бағишланган.

Ўзбекистон олимлари Т.Ф. Арипов, З.С. Салимов, Г.Р. Норметова, Б.Н. Хамидов, М.П. Юнусов, Б.Х. Убайдуллаев, Ш.М. Сайдахмедов, А.А. Ярбабаев, А.Э. Сайдахмедов ўзларининг тадқиқотлари билан биопарчаланувчи сурков материалларини ривожланиши учун салмоқли ҳисса қўшганлар.

Сурков материаллар ресурсларини кенгайтириш ва уларнинг сифатини яхшилаш, ўсимлик манбалари маҳсулотларидан мотор мойлари учун самарали биоконпонентлар олиш ва уларни таркибларини такомиллаштириш, ўсимлик ёғлари ва ёғли кислоталарнинг мураккаб эфирларини сурков мойларга қўшимча компонентлар сифатида олиш бўйича ўтказилган илмий-тадқиқот ишлари қилинган.

Шуни таъкидлаш керакки, бугунги кунгача маҳаллий ўсимлик мойлари асосида (маккажўхори ва маҳсар) биопарчаланувчи сурков материалларининг маҳаллий композициялари мавжуд эмас эди.

Диссертация тадқиқотининг бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Умумий ва ноорганик кимё институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №ФА-А12-136 «Турли ишлаб чиқариш чиқиндилардан фойдаланиб сурков материалларини ишлаб чиқаришнинг янги технологияларни яратиш ишланмаси» (2015-2017йй.) ва №ПЗ - 2017092287 «Маҳаллий ҳом-ашё асосида турли биопарчаланувчи сурков материалларни ишлаб чиқиш» (2018-2020йй.) мавзуларидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади атроф-муҳитга экологик хавфсиз бўлган, физик-кимёвий ва экологик хусусиятлари яхшиланган ўсимлик мойлари асосида экологик тоза биопарчаланувчи сурков композицияларини яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

маҳаллий ўсимлик мойларининг кимёвий таркибини ва физик-кимёвий хусусиятларини аниқлаш;

мотор мойларининг сифатини яхшилайдиган кўп функционал кўндирмаларини танлаш ва уларнинг таъсирини ўрганиш;

ўсимлик мойлари ва турли кўп функционал кўндирмалар асосида экологик тоза мотор мойларининг оптимал таркибини олиш;

ишлаб чиқилган экологик тоза мотор мойларининг физик-кимёвий, эксплуатацион ва экологик хусусиятларини аниқлаш;

тупрокдаги микроблар жамоалари ва атмосферага биологик парчаланадиган ва нефт сурков материалларининг таъсирини ўрганиш;

минерал ва ишлаб чиқилган экологик тоза мотор мойларининг эксплуатацион ва экологик хусусиятларини таққослаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида маккажўҳори, маҳсар ва кастор ўсимлик мойлари; ФНҚИЗнинг М-8Г₂ мотор мойи; К-61, К-110, ПМС-200А функционал кўндирмалар, олтингугурт қўшилган ўсимлик мойи олинган.

Тадқиқотнинг предмети сурков материаллари экологияси, ўсимлик мойларининг ёғ-кислота таркиби, мотор мойларининг таҳлили, физик-кимёвий ва экологик-эксплуатацион тавсифи, қовушқоқлик индекси, кинематик қовушқоқлиги, тутунлилиги, биопарчаланиши ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссетация ишида физик-кимёвий, ёғ-кислотали таҳлил, микробиологик ва эксплуатацион услублар, газохроматография, табиий шароитларда (сувда, тупрокда) биопарчаланиш қобилиятини синови ва микроорганизмларга зарарни баҳолаш учун экологик токсикологик таҳсил усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

қайта тикланадиган ҳом ашё манбаларидан биопарчаланадиган мотор мойларининг янги композициялари олинган;

ўсимлик мойлари билан функционал кўндирмаларнинг оптимал нисбати аниқланган;

олинган биопарчаланувчи мотор мойлари микроорганизмлар учун озуқавий муҳит эканлиги, яъни экотизимнинг биоценозини бузмасдан, улар тупроқ экотизимининг озуқавий занжирига бирикиш мумкинлиги асосланган;

М-8Г₂Бк ва М-8Г₂Бс биопарчаланувчи мотор мойларини максимал қувват режимида ишлатилганда ишлаб бўлган газларнинг тутунлилиги 1,3 мартага қисқариши, нефт асосидаги мотор мойи билан солиштирилганда, бунда NO_x: 0,32% концентрация нисбати 0,29%, 0,40%га қарши, ишланган газлар таркибида СО нинг миқдори бўйича 0,065%, 0,045% ва мос равишда 0,085% бўлиши аниқланган;

биопарчаланувчи тажрибавий намуналар эксплуатация ва минерал мойларига қўйлаётган замонавий талабларига жавоб бериши аниқланган;

тажрибавий биопарчаланувчи мойларнинг яхши сурков хусусиятлари, биопарчаланиш, экологиклиги ва токсиклигининг пастлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

экология жиҳатдан хавфсиз маҳаллий ўсимлик мойлари ва функционал кўндирмалар асосида замонавий талабларга жавоб берувчи биопарчаланувчи мотор мойларини янги кимёвий таркиби ишлаб чиқилган;

экологик юқори сифат кўрсаткичарига эга ҳамда асосий физик-кимёвий кўрсаткич талабларига жавоб берувчи, ўсимлик асосида биопарчаланувчи мотор мойларининг оптимал композицияси таркиби ФНҚИЗда ишлаб чиқилган;

ўсимлик мойлари асосида биопарчаланувчи мотор мойлар олишнинг технологияси ишлаб чиқилган, бу мойлар экологик ва гигиена жиҳатдан хавфли мотор мойларини ўрнини босувчи саноатнинг турли соҳаларида қўллаш имкониятини яратилган маҳсулотдир.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.

Олинган натижалар замонавий физик-кимё, микробиологик таҳлил усулларини қўллаш билан асосланган, нефтни қайта ишлаш заводида тажриба-саноат синовдан ўтканлиги ва қишлоқ хўжалик техникасида ишлатилганлиги билан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти маҳаллий хомашёлар ва нефт саноат маҳсулотларидан халқаро стандартларга ва қишлоқ хўжалик техника воситаларининг эксплуатация талабларига жавоб берадиган, маҳаллий хом ашё ва кўндирмалардан юқори сифатли биопарчаланувчи мотор мойлари олиш, физик-кимёвий хоссаларининг, шунингдек, улар асосида олинган мотор мойи сифат кўрсаткичлари ўртасидаги ўзаро боғлиқлиги мотор мойи олиш технологиясини яратишда илмий асос бўлиши билан изоҳланади.

Тадқиқотда олинган натижаларининг амалий аҳамияти сурков материалларини ишлаб чиқариш соҳасини ривожлантиришда, уларнинг янги таркибини такомиллаштириш услубини самарали қўллаш асосида, ҳамда ўсимликдан олинадиган маҳаллий хом ашё асосида экологик хавфсиз юқори сифатли, муқобил мотор мойларини ишлаб чиқаришни таъминловчи ишлаб чиқариш жараёнларига хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўсимлик хомашёси асосида сурков материалларидан оқилона фойдаланишда олинган илмий тадқиқотини натижалари асосида:

биопарчаланувчи мотор мойлари композициялари олиш технологияси «Ўзбекнефтгаз» АЖнинг «2021-2023 йилларда амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати»га киритилган («Ўзбекнефтгаз» АЖнинг 2021йил 16 апрелдаги 28-1-01/639-сон маълумотномаси). Натижада ишлаб чиқилган намуналар асосий физик-кимёвий кўрсаткичлар, юқори сифат хусусиятлар ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш талабларига жавоб бериш имконини беради;

қайта тикланадиган хом ашё манбаидан олинган М-8Г₂Бк и М-8Г₂Бс биопарчаланувчи мотор мойларининг янги намуналари Бухоро вилоят «Агросаноат Ҳосил Сервис» фермер хўжалиги техникаларида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш

давлат кўмитасининг 2021 йил 7 июлдаги 01-01/2-412–сон маълумотномаси). Натижада, М-8Г₂Бк ва М-8Г₂Бс биопарчаланувчи мотор мойларини максимал қувват режимида ишлатилгандаги чиқинди газларнинг 1,3 мартаба камайиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробациялари. Тадқиқот натижалари 13 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий конференцияларда тақдим этилган ва муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 33 та илмий иш, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та илмий мақола, жумладан, 3 таси хорижий ва 9 таси республика журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, 5 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 119 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати, унинг мақсад ва вазифалари асослаб берилган, тадқиқот объекти тарифланган, тадқиқот Республика фани ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижалари амалиётга жорий қилинганлиги, босиб чиқарилган ишлар ва диссертация таркиби тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг "**Экологик муаммонинг долзарб ҳолати**" деб номланган биринчи бобида мойлаш материалларидан фойдаланишдаги экологик муаммоларнинг ҳозирги ҳолати, нефт мойлаш материалларини қайта тикланадиган мойлар билан алмаштириш зарурлигини белгилловчи асосий омиллар ҳақида умумий маълумот берилган. Мотор мойлари учун асос сифатида ўсимлик мойларининг афзалликлари уларнинг мукамал биологик парчаланиши, қайта тикланадиган табиий ресурслардан олиниши, токсиклик бўлмагани, юқори туташув ва ёниш нуқталари, шунингдек, синтетик мойлар каби бошқа моддалар билан таққослаганда, паст нархга ва юқори ўт олиш нуқтасига эгаллиги билан боғлиқлиги кўрсатилган. Экологик, соғлиқ ва хавфсизликнинг барча омиллари ўсимлик мойига асосланган мотор мойларидан фойдаланиш ғоясини қўллаб-қувватлайди. Адабиёт маълумотларини таҳлил қилиш тадқиқотнинг мақсади ва вазифаларини шакллантиришга имкон берди.

Диссертациянинг "**Двигател ва ўсимлик мойларининг физик-кимёвий хоссалари ва ёғ кислотаси таркибини ўрганиш**" деб номланган иккинчи бобида, М-8Г₂ мотор мойининг физик-кимёвий хусусиятлари ва бошланғич ўсимлик (маккажўхори, кастор ва маҳсар) ёғлари, уларнинг ёғ-

кислотаси таркиби, биопарчаланаш даражаси ўрганилган ва тадқиқот объекти сифатида маккажўхори ва маҳсар ёғи танланган.

Мой намуналарининг ёғ-кислотали таркибида (маккажўхори, кастор, маҳсар) 13та ёғли кислоталар аниқланди.

Диссертацияда физик-кимёвий кўрсаткичларни, ёғ кислотаси таркибини, биологик парчаланаш жараёнларини ва турли хил ўсимлик ва мотор мойларининг ишлаш хусусиятларини аниқлаш учун замонавий ва классик тадқиқотлар усуллари комплекси, шунингдек, қабул қилинган давлат стандартларига мувофиқ нефт маҳсулотларини ўрганиш усуллари ишлатилган.

Йодометрик усулда (Винклер усули) сувда эриган кислороднинг масса концентрациясининг таркибига асосланган ўсимлик мойларининг биопарчаланаш жараёнларини аниқлаш ва биопарчаланаш даражаси ошган ўсимлик ёғларини мойлаш учун асос сифатида тозалаш усуллари келтирилган. Азот, фосфор, калий, углерод ва бошқа микроэлементларнинг тупроқдаги айланишларида қатнашадиган тупроқ микроорганизмларининг асосий агротехник муҳим гуруҳларининг миқдорини ўрганишни ўз ичига олган микробиологик кузатув тавсифи берилган.

Диссертациянинг **"Қўндирма моддаларни ишлаб чиқиш концепцияси ва ҳосил бўладиган мотор мойларининг физик-кимёвий ва экологик хусусиятларига таъсири"** деб номланган учинчи бобида замонавий қўндирмалар ва уларнинг мотор мойларининг физик-кимёвий хусусиятларига таъсир механизмини, қўндирмалар билан биопарчаланадиган мотор мойларининг коллоид барқарорлигини ўрганишга бағишланган.

Тозаланган маҳсар ва маккажўхори мойлари асосида биопарчаланадиган сурков материалларининг иккита таркиби (М-8Г₂Бк, М-8Г₂Бс) тузилган. Рецептураларнинг таркиби 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

**Ўсимлик мойларига асосланган композициялар
(М-8Г₂Бк ва М-8Г₂Бс) таркиби**

№	Компонентлар	Янги композициянинг тавсия қилинган рецептура намуналари			
		М-8Г ₂ Бк №1 намуна		М-8Г ₂ Бс №2 намуна	
		гр	%	гр	%
1	Маккажўхори ёғи	929,8	92,8	-	-
2	Маҳсар ёғи	-	-	879,8	87,8
3	К-61 (III фр. 10% экстракт конц.)	25	2,5	35	3,5
4	К-110	25	2,5	35	3,5
5	Кастор ёғи	20	2,0	-	-
6	Олтингургуртли ўсимлик ёғи	-	-	50	5,0
7	ПМС -200А	0,20	0,2	0,20	0,2
	Жами	1000	100	1000	100


Ўсимлик мойлари асосида олинган сурков мойлари таркибидаги физик-кимёвий хусусиятларини ўрганиш натижалари 2-жадвалда келтирилган.

Ўсимлик ҳом ашёси асосида сурков мойларининг солиштирма физик-кимёвий тавсифи

№	Кўрсаткичлар	Композиция намуналари		Мотор мойи М-8Г ₂	Синов усули давлат стандартлари бўйича
		М-8Г ₂ Бк	М-8Г ₂ Бс		
1	Кинематик қовушқоқлик, мм ² /с, 100 °С да 40 °С да	9,82 30,84	9,61 40,09	8,05 29,95	31391-2009
2	Қовушқоқлик индекси дан кам эмас	160	168	85	25371-97
3	Очиқ тигелда чакнаш ҳарорати, °С дан кам эмас	242	216	200	4333-87 ёки 12.1.044-89
4	Ишқорлик сони, мг КОН/г дан кам эмас	6,2	6,1	6,0	11362-96
5	Кислота сони, 1г мойга КОН мг	3,37	3,85	-	5985
6	Қотиш ҳарорати, °С, дан кам эмас	-24	-25	-25	20287-91
7	Колориметрда ранги ЦНТ 15:85 нисбатда аралаштирилганда, ЦНТ бирлигидан кўп эмас	0,6	0,5	4,5	20284-74
8	Зичлик 20°С, кг/м ³ кўп эмас	905	904	905	3900-85
9	Колориметрда ранги, ЦНТ бирлигида	2,0	3,0	-	20284-74

Тақдим этилган маълумотлардан кўриниб турибдики, асосий физик-кимёвий кўрсаткичлар бўйича: кинематик қовушқоқлик, қовушқоқлик индекси, қуйилиш нуқтаси, очиқ тигелда чакнаш ҳарорати ва колориметрдаги ранг кўрсаткичи, М-8Г₂Бк ва М-8Г₂Бс намуналари ижобий натижаларга эга. М-8Г₂ минерал мойи билан таққослаганда биологик парчаланадиган сурков композициялари юқори қовушқоқлик-ҳарорат хусусиятларига, 100°С - 9,82 ва 9,6 мм²/с юқори кинематик қовушқоқликга, мос равишда юқори қовушқоқлик кўрсаткичига - 160 ва 168, юқори ёниш нуқтасига - 242°С ва 216°С эга ва минерал мойларга бўлган талабларга жавоб беради.

Биопарчаланадиган мотор мойи намуналарини тайёрлаш ва ишлаб чиқариш бўйича экспериментал ўрнатиш схемасининг тавсифи берилган (1-расм).




1-расм. Янги композицияли биопарчаланувчи мотор мойини тайёрлаш лаборатория курилмасининг принципиал схемаси

1-реактор, 2-компонентларни аралаштириш учун электродвигател, 3- ёғ ваннаси, 4-электро-терморегулятор, 5- иссиқлик ташувчини етказиб беришни бошқариш блоки, 6-электротермик регулятор, 7 – қуйиш учун сиғим

Ўсимлик мойларидан фойдаланган ҳолда олинган биопарчаланадиган сурков материаллари таркибининг оптимал вариантлари асосида ва ускуналарнинг технологик имкониятларини, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи (ФНҚИЗ) ҳам ашёсини ҳисобга олган ҳолда, завод мутахассислари билан келишилган ва тасдиқланган ҳолда вақтинчалик технологик регламент ва техник шартлар тузилди.

Диссертациянинг **"Тупроқдаги микроблар жамоалари ва атмосферага биопарчаланадиган ва нефт сурков материалларининг таъсири"** деб номланган тўртинчи бобида азот, фосфор, калий, углерод ва бошқа микроэлементларнинг тупроқдаги айланишларида қатнашадиган тупроқ микроорганизмларининг, шунингдек тупроқдаги бошқа микроэлементлар - аммонификаторлар, олигонитрофиллар, фосфорбил-ловчи бактериялар, экинга яроқли (0-30 см) тупроқ қатламидаги актиномицеталар ва микромицеталар асосий агротехник гуруҳлари сонини ўрганишни ўз ичига олган микробиологик мониторинг тадқиқотлари натижалари келтирилган.

Биопарчаланиш кимёвий жараёни. Микроорганизмлар ёғларнинг деструкциясида бирламчи вазифасини бажаради – улар ёғлар гидролизини келтириб чиқаради ва асосий компонентларга - глицерин ва ёғ кислоталарига ажратади. Ёғлар парчаланишининг биринчи босқичи уларнинг гидролизи ва глицерин ҳамда ёғ кислотасига ажрашидир.



Юқорида таъкидлаб ўтилган микроорганизмлардан ташқари, бошқа сабаблар таъсирида парчаланишнинг иккинчи босқичини дрожжилар ҳам келтириб чиқаради. Глицерин ва айрим ёғ кислоталари, ёғлардан фарқли ўлароқ сувли эритмалар вужудга келтиради ва шунинг учун бактерияларнинг ҳужайралари томонидан осон ютилади. Аэроб бактерияларнинг иштрокида юқори молекуляр ёғ кислоталари углерод занжирининг узилиши билан нордонлашади ва оддий компонентлар кўринишида микроорганизмлар томонидан ўзлаштирилади.

Гидролитик парчаланиш натижасида юзага келган глицерин ва ёғ кислоталари кейинчалик давом этувчи емирилиш таъсирига юз тутди. Кўпгина микроорганизмларга углерод манбаи бўлиб хизмат қилувчи глицерин ҳаммадан осонроқ емирилади. Глицериннинг емирилиши аэроб ва анаэроб шароитларда амалга ошиши мумкин. Глицерин дрожжи, нордон уксус бактериялари ва бошқа аэробик ва анаэробик микроорганизмлар томонидан қайта ишланади.



Ёғли кислоталар емирилишга мойиллиги камроқ, лекин улар ҳам аста-секин нордонлашади, кўпроқ аэробик шароитларда. Глицерин ва ёғли кислоталар емирилишининг якуний босқичи бу уларнинг минераллашувидир, бунда карбонат ангидрид ва сув ажралиб чиқиши ҳам кузатилади.



Тупроқ ва сувда ўсимлик мойларининг микроорганизмлар тарафидан парчаланиши доимий равишда амалга ошади, бу ҳолат табиатда жисмлар алмашинувининг асосий қисми ҳисобланади.


Бешта прототип синовдан ўтказилди: бошланғич тупроқ - ишловсиз; 1-намуна - М-8Г₂Бс намунаси билан ишланган тупроқ (маҳсар); 2 - намуна - М-8Г₂Бр намунаси билан ишланган тупроқ (рапс); 3 намуна - М-8Г₂Бк намунаси билан ишланган тупроқ (маккажўхори 1); 4 намуна - М-8Г₂Бк намунаси билан ишланган тупроқ (маккажўхори 2); 5 намуна - М-8Г₂ намунаси билан ишланган тупроқ (нефть).

Экспериментал маълумотлар натижада намуналар барча ўрганилган микроорганизмлар сонига салбий таъсир кўрсатишини намойиш этади, бошланғич тупроққа нисбатан барча микроорганизмларнинг сони камайган ёки улар топилмаган (актиномицетлар). 1-намунада - М-8Г₂Бс намунаси билан ишланган тупроқ (маҳсар) микроорганизмларнинг ҳар хил гуруҳлари сони аста-секин камайиб боради ва 30-куни бошланғич тупроққа нисбатан

икки ёки бир ярим бараварга камайди, бу 1-намуна таркибида микроорганизмларга озгина ҳалокатли таъсир кўрсатадиган 3,5% синтетик К-61 ва К-110 қўшимчалари мавжудлигини кўрсатади ва 4-намунада эса синтетик қўшимчаларнинг миқдори ҳар бири 2,5% ни ташкил қилади ва 30-куни микроорганизмлар сони бошқа намуналарга қараганда анча юқори.

1 ва 4 намуналар токсик бўлмаган моддалар бўлганлиги сабабли уларнинг таркибида кастор ёғи, олтингугуртланган усумлик ёғи ва 0,25% ўсимлик мойлари асосида К-61, К-110 қўндирмалари мавжуд бўлиб, улар ўз навбатида микроорганизмлар учун озуқа воситаси деб ҳисобланади, демак 1 ва 4 намуналар биопарчаланадиган бўлиб нефть асосида бўлган 5-намунага нисбатан тупроқ экотизимининг озикланиш занжирига унинг биоценозини бузмасдан қўшилиши мумкин.

Микроорганизмларнинг экологик гуруҳлари сонининг ўзгариши тўғрисидаги маълумотларга кўра, биологик парчаланадиган намуналарнинг нефть намуналарига нисбатан боғлиқлиги ҳисоблаб чиқилган (2-расм).



Расм. 2. Нефтли намуна М-8Г₂ га нисбатан биопарчаланувчи намуналарда (М-8Г₂Бк и М-8Г₂Бс) микроорганизмлар экологик гуруҳлари миқдори ўзгаришининг боғлиқлиги

2-расмга кўра тупроқнинг нефть мойига асосланган мотор мойи билан ифлосланиши микроорганизмларнинг турли физиологик гуруҳлари сонининг ва микробиологик жараёнларнинг интенсивлигининг ўзгаришига олиб келиши аниқланди. Микроорганизмлар ҳар бир гуруҳининг нефть органик моддаларига сезгирлиги уларнинг нефть углеводородларини парчаланиш қобилияти турлича бўлганлиги сабабли ҳар хил бўлади. Нефть намунасидаги микроорганизмлар сони 6-расмда кўрсатилгандек эгри чизик бўйлаб беш даражага камайди ва ўсимлик мойларига асосланган биологик парчаланадиган мотор мойларининг (1-намуна - М-8Г₂Бк ва 4-М-8Г₂Бс) сони икки даражага камайди, бу улар тупроқ экотизимининг озикланиш занжирига унинг биоценозини бузмасдан қўшилиб микроорганизмлар кўпайиши учун асос бўлгани билан изоҳланади.

М-8Г₂Бс ва М-8Г₂Бк мотор мойларида ишлайдиган мотор двигателининг экологик самарадорлигини баҳолаш учун олинган мотор мойлари мотор стендида синовдан ўтказилди. Двигател стенди зарур ўлчов ускуналари тўплами билан жиҳозланган. Қайта ишланган газларининг тутун миқдори ± 1% хатолик билан қўлда ишлатиладиган опасиметр ёрдамида ўлчанди. Қайта ишланган газларидаги NO_x, СО, СН_x концентрацияси ЛХ7А хроматограф газ-адсорбцияси режимда аниқланди.

Шуни таъкидлаш керакки, қайта ишланган газларнинг тутунлиги жиҳатидан биологик парчаланадиган двигател мойлари кўпроқ афзалликларга эга: максимал қувват билан ишлатилганда чиқинди қайта ишланган газларнинг тутунлиги 1,3 бараварга камайди.

NO_x концентрациясига келсак, двигател мойлари биологик парчаланадиган двигател мойларида ишлаганда баъзи афзалликларга эга: 0,40% га қарши 0,32%, 0,29%. Қайта ишланган газлардаги СО миқдори концентрацияси М-8Г₂Б ва М-8Г₂Бк намуналарида М-8Г₂ га нисбатан 0,065%, 0,045 ва 0,085% га паст.

Биопарчаланадиган мотор мойларни ишлатишдан энг катта таъсирини қайта ишланган газлар таркибидаги компонентлар бўйича кузатиш мумкин. Маълумотлар 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал

Қайта ишланган газлар таркибидаги компонентларнинг таққослаш маълумотлари

Номланиши	Ишлаб бўлган газлар таркибида компонентлар миқдори, %		
	NO _x	СО	СН _x
Мотор мойи М-8Г ₂	0,40	0,085	1,5
Биопарчаланувчи мотор мойлар:			
М-8Г ₂ Бс	0,32	0,065	1,2
М-8Г ₂ Бк	0,29	0,045	1,0

Шундай қилиб, олинган М-8Г₂Бс ва М-8Г₂Бк двигател мойларидан фойдаланиш зарарли моддалар, углеводородлар ва СО ишланган газлар чиқиндиларини сезиларли даражада камайтиради ва шу билан минтақанинг экологик тозаллигини яхшилайти ва биосфера ва тирик организмларнинг метаболик жараёнларига салбий таъсир кўрсатмайди.

Диссертациянинг "**Бухоро вилоятидаги "Агросаноат Ҳосил Сервис" фермер хўжалигида М-8Г₂Бс ва М-8Г₂Бк биопарчаланадиган мотор мойларининг тажриба партияларининг эксплуатацион синовларини ўтказиш**" деб номланган бешинчи бобида, биопарчаланадиган М-8Г₂Бс ва М-8Г₂Бк мотор мойлари эксперимент партияларининг бир хил шароитда Бухоро вилоятидаги "Агросаноат Ҳосил Сервис" фермер хўжалигининг Т-40 русумли тракторлардаги Д-144 № 2503760 дизел двигателларида доимий равишда ишлатиладиган М-8Г₂ нефтга асосланган двигател мойи билан қиёсий операцион синовлари натижалари келтирилган: 1-намуна -

маккажўхори мойига асосланган М-8Г₂Бк биопарчаланадиган мотор мойининг тажриба партияси; 2-намуна - маҳсар мойига асосланган М-8Г₂Бс биологик парчаланадиган мотор мойининг эксперимент партияси; 3-намуна - нефтга асосланган мотор мойи М-8Г₂.

Т-40 русумли тракторлардаги Д-144 № 2503760 дизел двигатели 8 кг миқдорида 1-намуна М-8Г₂Бк биопарчаланадиган двигател мойи билан тўлдирилган ва "Агросаноат Ҳосил Сервис" фермер хўжалигининг 15 гектар суғориладиган майдонда эксплуатацион синовларга юборилган.

Худди шу тарзда, уларнинг таққосланган сифат кўрсаткичларини синаб кўриш учун ҳақиқий иш шароитида 2-, 3-намуналари билан синовлар ўтказилди. М-8Г₂Бк, М-8Г₂Бс биопарчаланувчи ва М-8Г₂ мотор мойларининг тажриба партиялари намуналарини эксплуатацион синовлар олдида "Чиноз НҚИЗ" МЧЖ лабораториясида текширилди ва уларнинг физик-кимёвий параметрлари аниқланди (4-жадвал).

4-жадвал

М-8Г₂Бк ва М-8Г₂Бс биопарчаланувчи мойлар ҳамда М-8Г₂ мотор мойининг эксплуатацион синовдан олдинги физик-кимёвий кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар	ГОСТ 8581-78 бўйича нормаси	Намуна №1 М-8Г ₂ Бк	Намуна №2 М-8Г ₂ Бс	Намуна №3 М-8Г ₂
1	Кинематик қовушқоқлик, 100°С хароратда, мм ² /с	8,0±0,5	9,8	9,6	8,5
2	Қовушқоқлик индекси	85	160	168	85
3	Очиқ тигелда чакнаш харорати, °С	205	242	242	200
4	Ишқор сони, мг КОН/г	6,0	6,2	6,1	6,0
5	Қотиш харорати, °С	-25	-24	-25	-25
6	Колориметрда ранги ЦНТ 15:85 нисбатда аралашти-рилганда, ЦНТ бирлигидан кўп эмас	4,5	0,6	0,5	4,5
7	Зичлик 20°С, кг/м ³ , кўп эмас	905	905	904	905

5-жадвалда келтирилган натижалардан кўришиб турибдики, асосий физик-кимёвий параметрлари бўйича М-8Г₂Бк, М-8Г₂Бс биопарчаланувчи мойлар тажриба партияларининг намуналари автомобил двигателлари учун дизел мотор мойларига 8581-78 Давлат Стандарти бўйича қўйилган талабларини қондиради ва баъзи ҳолларда бир неча даражага ошиб кетади. Мойларнинг муҳим физик-кимёвий хусусиятлари, кинематик қовушқоқлик 100°С да, мм²/с - 1,6-1,8 даражага; қовушқоқлик индекси - 75-83 даражага юқори.

Эксплуатацион синовлари ўтказилгандан сўнг, ишлатилган мотор мойларининг намуналари олинди ва уларнинг физик-кимёвий кўрсаткичлари "Чиноз ФНҚИЗ" МЧЖ шароитида аниқланди. Тадқиқот натижалари 5-жадвалда келтирилган.

5-жадвал натижаларини таҳлили ёрдамида, дала шароитида автотрактор дизел двигателларида М-8Г₂Бк, М-8Г₂Бс ва М-8Г₂ биологик парчаланадиган мойларни, М-8Г₂Бк, М-8Г₂Бс мойларини физик-кимёвий хусусиятлари бўйича эксплуатацион синовларидан сўнг: колориметрдаги кинематик қовушқоқлик, қовушқоқлик кўрсаткичи, қуйилиш нуқтаси ва ранг кўрсаткичи М-8Г₂ мойидан бир неча поғонага юқори бўлиши ва ҳали ҳам сурков мойлари учун стандарт талабларга жавоб бериши, шунингдек фойдали ва ишончли ишлаш муддатига эга бўлиши аниқланди.

5-жадвал

М-8Г₂Бк ва М-8Г₂Бс биопарчаланувчи мойлар ҳамда М-8Г₂ мотор мойининг эксплуатацион синовдан кейинги физик-кимёвий кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар	ГОСТ 8581-78 бўйича	Намуна №1а М-8Г ₂ Бк	Намуна №2а М-8Г ₂ Бс	Намуна №3а М-8Г ₂
1	Кинематик қовушқоқлик, 100°С ҳароратда, мм ² /с	8,0±0,5	10,5	10,0	9,3
2	Қовушқоқлик индекси, кам эмас	85	154	162	73
3	Очиқ тигелда чакнаш ҳарорати, °С, кам эмас	205	236	236	227
4	Ишқор сони, мг КОН/г, кам эмас	6,0	0,018	0,016	5,4
5	Қотиш ҳарорати, °С, юқори эмас	-25	-20	-22	-19
6	Колориметрда ранги ЦНТ 15:85 нисбатда аралаштирилганда, ЦНТ бирлигидан кўп эмас	4,5	0,9	0,9	5,3
7	Зичлик 20°С, кг/м ³ , кўп эмас	905	922	921	912

М-8Г₂Бк ва М-8Г₂Б биопарчаланадиган сурков мойларининг прототиpleri эксплуатация талабларига жавоб бериши, маҳаллий М-8Г₂ мойига нисбатан юқори сифат кўрсаткичларига эга бўлиши ва минерал мойларга бўлган замонавий талабларга жавоб бериши аниқланди.

М-8Г₂Бк ва М-8Г₂Бс сурков мойлари гигиеник ва экологик хавфсизликни яхшилаш мақсадида автомобил дизел двигателлари учун мотор мойлари, трансмиссия мойлари ва тупроққа ишлов бериш, қишлоқ хўжалиги экинларини экиш, йиғиш ва қайта ишлашда ишлатиладиган гидравлик суюқликлар сифатида ишлатилиши мумкин.

Шуни таъкидлаш керакки, ўсимликларнинг қайта тикланадиган манбаларидан олинган М-8Г₂Бк ва М-8Г₂Бс сурков мойлари осонгина биологик парчалади, захарловчи эмас ва атроф-муҳит учун тоза деб ҳисобланади, мойлаш материаллари таркибига ўсимлик мойларни, биологик маҳсулотларни жалб қилиш истикболли ҳисобланади ва М-8Г₂Бс ва М-8Г₂Бк

биопарчаланадиган мойларни йўқ қилиш, чиқиндисиз қайта ишлашни таъминлайди.

М-8Г₂Бс ва М-8Г₂Бк биопарчаланадиган ўсимлик мойлари 1 тоннасини ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги, таркибий қисмлар ва миқдорини ҳисобга олиб, 10-11 миллион сўмни, 1000 та трактор учун ишлатилишидан эса йилига 380 миллион сўмни ташкил этади.

ХУЛОСА

Диссертация бажарилишида олинган асосий илмий ва амалий натижалар куйидагича:

1. Атроф муҳитни муҳофаза қилиш мақсадида биопарчаланадиган мойлаш материалларини олиш учун асос сифатида биринчи марта маҳаллий ўсимлик мойларидан фойдаланиш (маккажўхори ва маҳсар) амалга оширилди;

2. Ўзининг физик-кимёвий ва эксплуатацион хусусиятлари жиҳатидан М-8Г₂ нефт мойларига мос келадиган қўндирмалар тўпламини ўз ичига олган маҳсар М-8Г₂Бс ва маккажўхори М-8Г₂Бк ўсимлик мойлари асосида биопарчаланиши юқори бўлган мойлаш материалларининг таркиби тавсия этилди;

3. Фарғона ФНҚИЗ шароитида сотилиши мумкин бўлган қишлоқ хўжалиги техникаси учун М-8Г₂Бс ва М-8Г₂Бк турларининг био парчаланадиган мотор мойларини олиш учун вақтинчалик технологик регламентлар ва техник шартлар ишлаб чиқилди ва тасдиқланди;

4. М-8Г₂Бс ва М-8Г₂Бк намуналари захарловчи бўлмаган моддалар эканлиги, уларнинг таркибида микроорганизмлар кўпайиши учун замин бўлган кастор ёғи, олтингугуртланган пахта ёғи ва ўсимлик мойларига асосланган ҳар бири 0,25% миқдорида К-61, К-110 қўшимчалари борлиги аниқланди;

5. Биологик парчаланадиган М-8Г₂Бс ва М-8Г₂Бк мотор мойлари чиқинди газнинг тутунлиги жиҳатидан устунликка эга эканлиги аниқланди, максимал қувват билан ишлатилганда чиқинди газнинг тутунлиги нефтга асосланган мотор мойига нисбатан 1,3 бараварга камайди;

6. М-8Г₂Бс ва М-8Г₂Бк биопарчаланадиган сурков мойларининг прототиплари эксплуатация талабларига жавоб беради ва маҳаллий М-8Г₂ мойига нисбатан юқори сифат кўрсаткичларига эга ва минерал мойларга қўйилган замонавий талабларга жавоб беради;

7. Ўсимликларнинг қайта тикланадиган манбаларидан олинган М-8Г₂Бк ва М-8Г₂Бс сурков мойлари осонгина биопарчаланиши, захарловчи эмаслиги ва экологик тоза эканлиги аниқланди;

8. М-8Г₂Б ва М-8Г₂Бк ўсимлик асосида бўлган биопарчаланадиган мотор мойларидан фойдаланиш натижасида кутилаётган иқтисодий самара ҳисоблаб чиқилди ва 1000 трактор учун ишлатилганда йилига 380 миллион сўмни ташкил этди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.К/Т.04.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ХИМИКО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

**ИНСТИТУТ ОБЩЕЙ И НЕОРГАНИЧЕСКОЙ ХИМИИ
АКАДЕМИИ НАУК РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

ГАНИЕВА САЙЕРА ХУРШИТОВНА

**ЭКОЛОГИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ РАЦИОНАЛЬНОГО
ИСПОЛЬЗОВАНИЯ СМАЗОЧНЫХ МАТЕРИАЛОВ НА ОСНОВЕ
РАСТИТЕЛЬНОГО СЫРЬЯ**

**11.00.05 – Охрана окружающей среды и рациональное использование
природных ресурсов**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2021.3.PhD/K427.

Диссертация выполнена в Институте общей и неорганической химии.
Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета (www.tkti.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziynet» по адресу (www.ziynet.uz).

Научный
руководитель:

Хамидов Боситг Набиевич
доктор технических наук, профессор

Официальные
оппоненты:

Мухамедов Кобилжон Гофурович
доктор технических наук, доцент

Ахмедов Равшан Каримович
кандидат химических наук

Ведущая
организация:

Ташкентский государственный технический
университет


Защита диссертации состоится «9» 12 2021г. в «10» часов на заседании Научного Совета DSc.03/30.12.2019.K/T.04.02 при Ташкентском химико-технологическом институте (адрес: 100011, г. Ташкент, ул. А.Навои, 32. Тел.: (+99871) 244-79-20, факс: (+99871) 244-79-17, e-mail: tkti_info@mail.ru)


Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Ташкентского химико-технологического института за № 119, с которой можно ознакомиться в ИРЦ (адрес: 100011, г. Ташкент, ул.А.Навоий. 32. Тел.: (99871)244-79-20)

Автореферат диссертации разослан «27» 11 2021 года
(Реестр за № 26 от «27» 11 2021г.)




Х.Л. Пулатов
Председатель Ученого совета по присуждению
учёных степеней, д.т.н., профессор


Ф.Б. Игитов
Ученый секретарь Ученого совета по
присуждению учёных степеней, PhD, доцент


Р.С. Сайфутдинов
Председатель научного семинара при Научном
совете по присуждению учёных степеней,
д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Во всем мире развитие техносферы, нельзя представить без негативного влияния на окружающую среду. Ускоренное развитие применения природных и синтетических смазочных материалов отрицательно влияет на экосистему в процессе применения и утилизации. Смазочные материалы, как товарные, так и отработанные, представляют существенную экологическую опасность. Поэтому разработка экологически чистых моторных масел на растительной основе является актуальной задачей, с точки зрения экологии и охраны окружающей среды.

В мире успешно обосновываются научные решения по расширению ассортимента моторных масел, их производству, применению и экологической безопасности: разработка новых композиций биоразлагаемых смазочных материалов (БСМ), биосовместимых с окружающей средой, путем компаундирования местных растительных масел и различных функциональных присадок; разработка оптимальных условий для процесса получения моторных масел, отвечающих современным требованиям, экономия дефицитного нефтяного масла, возобновляемость растительного сырья и экологическая чистота продуктов сгорания.

В республике достигнуты научные и практические результаты по созданию и применению технологии получения моторных масел с улучшенными свойствами на основе местного нефтяного сырья. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы предусмотрены задачи по “дальнейшей модернизации и диверсификации промышленности путем перехода на новый уровень качества по быстрому развитию производства готовой продукции с высокой добавленной стоимостью на основе глубокой переработки местных сырьевых ресурсов”¹. При этом важную роль играет разработка новых биоразлагаемых смазочных материалов на основе кукурузного и сафлорового масел, превосходящих по эксплуатационным свойствам существующие нефтесодержащие и синтетические аналоги, не оказывающие негативное влияние на обменные процессы в биосфере и живые организмы.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит осуществлению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № УП-4947 «Стратегия действий по приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах» и в Постановлениях Президента Республики Узбекистан от 25 октября 2018 года № ПП-3983 «О мерах по ускоренному развитию химической промышленности Республики Узбекистан» и от 3 апреля 2019 года № ПП-4265 «О дальнейших реформах и повышению инвестиционной

¹ Указ Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы»

привлекательности химической промышленности», а также в других нормативно-правовых документах, относящихся к данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологии Республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий в Республике IV. «Охрана окружающей среды и рациональное использование природных ресурсов».

Степень изученности проблемы. Научным исследованиям по разработке технологий получения биоразлагаемых смазывающих масел и топлив из растительного сырья были посвящены работы Сиренко Г.О., Кириченко В.И., Евдокимова А.Ю., Фукса И.Г., Шабалиной Т.Н., Язева В.А., Багдасарова Л.Н., Тетельмина В.В., Голдовской Л.Ф., Облащиковой И.Р.

Ученые Узбекистана Арипов Т.Ф., Салимов З.С., Нарметова Г.Р., Хамидов Б.Н., Юнусов М.П., Убайдуллаев Б.Х., Сайдахмедов Ш.М., Ярбабаев А.А., Сайдахмедов А.Э. внесли весомый вклад своими исследованиями для решения проблемы создания биоразлагаемых смазочных материалов и биотоплив.

Проведены научные исследования, направленные на расширение ресурсов моторных масел и улучшения их качества, получение из продуктов растительного сырья эффективных биоконпонентов для моторных масел и совершенствование их состава, получение сложных эфиров растительных масел и жирных кислот в качестве компонентов к моторным маслам.

Следует отметить, что до настоящего времени отсутствуют отечественные композиции биоразлагаемых смазочных материалов на основе местных растительных масел (сафлорового и кукурузного).

Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ научно-исследовательского учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в рамках плана научно-исследовательских работ прикладных проектов Института общей и неорганической химии АН РУз № ФА-А12-136 «Разработка новых технологий создания смазочных материалов с использованием отходов различных производств» (2015-2017гг.), № ПЗ-2017092287 «Разработка технологии получения биоразлагаемых смазочных материалов на основе местного сырья» (2018-2020гг.).

Целью исследований является разработка экологически чистых биоразлагаемых смазочных композиций на основе растительных масел с улучшенными физико-химическими и экологическими свойствами, применение которой экологически безопасно для окружающей среды.

Задачи исследования:

определение химического состава и физико-химических свойств местных растительных масел;

подбор многофункциональных присадок улучшающих качество моторных масел и изучение их действия;

получение оптимального состава экологически чистых моторных масел

на основе растительных масел и различных многофункциональных присадок;
определение физико-химических, эксплуатационных и экологических свойств полученных экологически чистых моторных масел;

анализ влияния биоразлагаемых и нефтяных моторных масел на микробные сообщества почвы и атмосферы;

сравнение эксплуатационных и экологических свойств минеральных и полученных экологически чистых моторных масел.

Объекты исследования. Использовались растительные масла: кукурузное, сафлоровое, касторовое; моторное масло М-8Г₂ производства ФНПЗ, функциональные присадки К-61, К-110, ПМС-200А, осерненное растительное масло.

Предмет исследования. Экология смазочных материалов, жирнокислотный состав растительных масел, анализ моторных масел, физико-химические и эколого-эксплуатационные характеристики, индекс вязкости, кинематическая вязкость, дымность, биоразлагаемость.

Методы исследования. В диссертационной работе использовались физико-химический, жирно-кислотный анализ, микробиологические, эксплуатационные методы, газохроматография, испытания на способность к биоразложению в естественных условиях (в воде, почве) и определение экотоксикологических характеристик для оценки ущерба биологическим организмам.

Научная новизна исследования заключается в следующем:

впервые в республике получены новые композиции биоразлагаемых моторных масел из возобновляемых сырьевых источников;

определено оптимальное соотношение растительных масел и функциональных присадок;

